XALQ DEPUTATLARI YOZYOVON TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 13 - iyul VI-31-1-11-165-K/21 Yozyovon tuman hokimligi

Халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ўз қарорларини ўз кучини йўқотган деп топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Халқ депутатлари Ёзёвон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2020-йил 27-сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021-йил __ - июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашиниг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тўсдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ёзёвон тумани ҳокимлиги матбуот ҳизмати раҳбари (А.Ҳудойқулов) мазкур қарорни расман эълон ва Кенгаш расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлансин.

4.Ушбу қарор бажарилиши назорат қилиш туман Кенгашнинг Қонунийликни таъминлаш ва коррупсияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси М.Иномов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **DJALILOV D. T.**

Халқ депутатлари Ёзёвон туман
кенгашининг
2021 йил 13 июлдаги
VI-31-1-11-165-K/21-сон қарорига
1-илова

Халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорлари

Р Ў Й Х А Т И

т/р	Қабул қилинган қарор мазмуни	Қабул қилинган қарор санаси	Қабул қилинган қарор рақами
1.	Ёзёвон тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида	2015 йил 29 декабр	№V-XVI-48
2.	Ёзёвон тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йилги параметрлари ҳақида	2016 йил 30 декабр	№V-XXXI-79
3.	Туманда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари прогнозларининг 2016 йил якунлари ҳамда 2017 йилдаги устувор вазифалари тўғрисида	2017 йил 28 январ	№V-XXXI-84
4.	Ёзёвон тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида	2017 йил 31 декабр	№V-XXXXII-119
5.	Ёзёвон тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида	2018 йил 28 декабр	№V-LIV-183
6.	Ёзёвон тумани 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида	2019 йил 17 декабр	№V-LXVII-250